

ЗАВҚ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 апрель, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 72 (1325)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 11 апрель кунини Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укеру Магосакани қабул қилди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар мустақкам ҳуқуқий асосда ривожланиш босқичига кирганидан гоят мамнун эканини айтди. Бу алоқаларнинг кенгайишида элчи жанобларининг хизмати катта бўлганини алоҳида таъкидлади.

— Муносабатлар нафақат дипломатия, балки маданий ва бошқа соҳаларда ҳам ўзаро бир-бирини тушуниш асосида ривожланишда, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Япония Ўзбекистонга кўрсатган беғараз ёрдам миқдори айни пайтда 14 миллион долларга етди. Оролбўйидаги экология вазиятини яхшилаш, мамлакатимиз тиббий муассасаларини замонавий ускуналар билан

жиҳозлаш ва бошқа соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Сўхбат чоғида юртбошимиз Ўзбекистон ўз истиқлолини мустақкамлаш йўлидан собитқадамлик билан илгариланишни, жаҳондаги барча давлатлар, жумладан Япония билан дўстлик ва ҳамкорликни янада кенгайтира боришини қайд этди.

Жаноб Укеру Магосаки ўз фаолиятига билдирилган юксак баҳо учун миннатдорлик изҳор этар экан, бундан буён ҳам Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишида ҳисса қўишини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада тараққий эттириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Соҳиб Сафоев, ташқи ишлар вазир Абдулазиз Комилов иштирок этди.

СУРАТДА: қабул пайти. Р. Жуманиёзов олган сурат. (ЎЗА).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.

11 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Туркманistonнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Султон Пирмухамедов ишонч ёрлигини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари элчидан ишонч ёрлигини қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон билан Туркманiston ўртасидаги алоқалар тора ривожланиб бо-

раётгани, хусусан, яқинда Чоржўйда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувдан сўнг икки мамлакат муносабатлари янада мустақкамланганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда Туркманistonнинг элчиси фаолият кўрсата бошлаши кўпни давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқа-

ларнинг тора равақ тора боришида муҳим омил бўлади, дея умид билдирди.

Султон Пирмухамедов мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларининг мустақкамлаши йўлида куч-ғайрат сарфлашини таъкидлади.

Шу кунини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Сайид Хожа Шаржил Ҳасан ҳам ишонч ёрлигини топширди.

— Ўзбекистон билан Бангладеш орасидаги масофанинг узоклигига қарамай, — деди Президент Ислам

Каримов, — диний ва маданий қадриятларимизнинг муштараклиги бизни бир-биримизга боғлаб туради. Ушбу муштараклик эса ўзаро муносабатларимизнинг янада мустақкамлашига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Элчи Бангладеш ҳукумати Ўзбекистондаги

ижобий ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатаётгани ва мамлакатимиз билан турли соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини айтди. У бу ҳамкорликка ҳисса қўиши учун бор имкониятларини ишга солишини билдирди.

Аргентина Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Арнольдо Мануэль Листре ҳам шу кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Президент Ислам Каримов мамлакатларимизнинг турли қитъаларда жойлашгани, лекин, шунга қарамай Аргентина ҳукумати Ўзбекистон билан ўзаро муносабат-

ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир, деди, жумладан, республика Президентини.

Ислам Каримов Арнольдо Мануэль Листрега масъулиятли ва шарафли ишда муваффақият тилаб, Аргентинанинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида ўзаро алоқаларимиз ривожига муносиб ҳисса қўишига умид билдирди.

Элчи Аргентина ҳукумати Ўзбекистоннинг иқ-

тисодий ва сиёсий илоҳотларни амалга ошириш борасида танлаган йўлини қўллаб-қувватлашини қайд этди. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳар икки мамлакат халқлари манфаатига мос эканини таъкидлади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазир Абдулазиз Комилов иштирок этди.

ТАРИХНИ ОРТГА БУРИБ БЎЛМАЙДИ

Гулистонда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг вилоятдан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида кўшма сессия бўлди. Уни вилоят ҳокими Ф. Ҳасанов бошқарди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганили ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муноса-

бати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари кенгашларининг кўшма қаро-

ри лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов ана шу ҳақда маъруза қилди.

Сессия қатнашчилари кун тартибидagi масала бўйича кўшма қарор лойиҳасини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, шаҳар ва туман кенгашларининг Қорақалпоғистондан сайланган Олий Мажлис депутатлари иштирокида кўшма сессия бўлди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганили ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қора-

қалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари кенгашларининг кўшма қарори лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.

Бугров шу хусусда маъруза қилди.

Сессия қатнашчилари кун тартибидagi масала бўйича кўшма қарор лойиҳасини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Андижон халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг вилоятдан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида кўшма сессия бўлди. Уни вилоят ҳокими К. Обидов бошқарди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганили ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муноса-

бати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари кенгашларининг кўшма қаро-

ри лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов шу ҳақда маъруза қилди.

Сессия қатнашчилари кун тартибидagi масала бўйича кўшма қарор лойиҳасини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Самарқандда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг вилоятдан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари иштирокида кўшма сессия бўлди. Уни вилоят ҳокими А. Мардов бошқарди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганили ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари кенгашларининг кўшма қарори лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева шу хусусда маъруза қилди.

Сессия қатнашчилари кун тартибидagi масала бўйича кўшма қарор лойиҳасини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

шу қисқа вақт мобайнида асрларга тағиниқ ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз иқтисодиётида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда, халқ фаровонлиги оқсалмоқда. Республика-миз жажон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалламоқда. Шундан экан, Россия Давлат Думасининг собиқ Иттифоқни қайта тиклаш тўғрисидаги қарори халқларини собиқ совет тузумига қайтариш йўлидаги беҳуда ури-нишдан бошқа нарса эмас. Зотан, тарих гилдирагини ҳеч ким орта қайтара олмайд. Халқимизнинг келажакка бўлган қатий иродаси дилватимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ўза мухбири саволларига жавобларидан аниқ-равшан ифода-лаб берилди.

БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастурининг минтақавий директори Аркадеуш Май-шик кейинги йилларда Ўзбекистондан наркотик моддаларни тайриққонуний олиб ўтишга қарши кураш борасида катта ютуқларга эришилгани ва бу борода мустақкам назорат урнатилганини маълум қилди.

(ЎЗА).

ИЛАТГА ҚАРШИ БАҲАМЖИҲАТ КУРАШИЛАДИ

Гуёҳандлик ва наркотик моддалар савдоси дунёвий муаммага айланиб, жаҳон ҳамжамияти қаттиқ ташвишга солаётир.

Бугунги кунда нарқобизнесга қарши давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўзаро куч ва ғайратларини бирлаштирган ҳолатгина муваффақиятли кура-шишлари мумкин.

— Гуёҳанд моддалар устидан биргаликда назорат ўрнатиш, «ажал уруғи»ни етиштириш ва уларни тайриққонуний олиб ўтишга қарши курашиш масалалари май ойида гуёҳандлик муаммосига бағишлаб Тошкентда ўтказилган семинар-конференциянинг асосий мавзусини ташкил этди, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холд Мал-лик 11 апрель кунини журналистлар билан учрашувда. — Бун-дай конференциянинг ўтказили-ши Ўзбекистонда наркотик моддалар устидан назорат ўрнатиш борасидаги ишларни янада тақомиллаштиришга кўмак беради.

Журналистлар Марказий Осиёда нарқобизнеснинг ривожланишида минтақадagi иқтисодий қийинчиликларнинг таъсири билан қизиқдилар. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазир Абдулазиз Комилов уларнинг саволларига жавоб берад экан, албатта, бунга иқтисодий омилларнинг ҳам муайян таъсири борлиги, лекин, бугун нарқобизнес халқаро миқёсда кесб этгани, гуёҳанд моддалар савдоси билан машғул айрим гуруҳлар Тожикистон-Афғонистон чегарасидagi вазиятдан фойдаланиб, Марказий Осиё орқали Ҳам-дустлик давлатлари ва Европада гуёҳанд моддалар олиб ўтишга уринаётганини таъкид-лади.

БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастурининг минтақавий директори Аркадеуш Май-шик кейинги йилларда Ўзбекистондан наркотик моддаларни тайриққонуний олиб ўтишга қарши кураш борасида катта ютуқларга эришилгани ва бу борода мустақкам назорат урнатилганини маълум қилди.

(ЎЗА).

ИШОНЧ ЁРЛИгини ТОПШИРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТУРКМАНISTONNING ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDAГИ ФАВҚУЛОДАДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ СУЛТОН ПИРМУХАМЕДОВ

1946 йилда Туркманistonнинг Каакин туманида туғилган. Олий маълумотли, 1969 йилда Туркманiston политехника институтини тугатган. Уйланган. Икки фарзанди бор.
1969-1970 йилларда — Туркманiston политехника инсти-тутидa ўқувчи;
1970-1980 йилларда — Туркманiston ишлар ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган
1980-1991 йилларда — Туркманiston давлат органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган


ИШОНЧ ЁРЛИгини ТОПШИРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ RESPUBLIKASINING ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDAГИ ФАВҚУЛОДАДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ САЙИД ХОЖА ШАРЖИЛ ҲАСАН

1946 йилда Бангладешнинг Дакса шаҳрида туғилган. Олий маълумотли, гуманитар фанлар магистри. Инглиз, француз, араб ва урду тилларини билади. Уйланган. Икки фарзанди бор.
1969-1970 йилларда — Покистон Ташқи ишлар вазир-лигида бўлим ходими
1970-1972 йилларда — Покистоннинг Мисрдаги элчи-хонасида учинчи котиб
1972-1973 йилларда — Бангладеш Ташқи ишлар вазир-лигида бўлим ходими
1973-1975 йилларда — Бангладешнинг Ливандаги элчи-хонасида иккинчи котиб
1975-1977 йилларда — Бангладешнинг Йроқдаги элчи-хонасида иккинчи котиб
1977-1981 йилларда — Бангладешнинг Швециядаги элчи-хонасида биринчи котиб
1981-1982 йилларда — Бангладеш Ташқи ишлар вазир-лиги давлат протоколи бошлигининг ўринбосари
1982-1984 йилларда — Бангладеш Ташқи ишлар вазир-лиги иқтисодий масалалари ва БМТ бўйича бошқармаси директори
1984-1986 йилларда — Бангладешнинг Дубайдаги (Бир-лашган Араб Амирликлари) бош консули
1987-1988 йилларда — Бангладешнинг Югославиядаги элчи-хонасида маслаҳатчи
1988-1989 йилларда — Бангладешнинг Афғонистонда-ги муваққат ишлар вакили
1989-1990 йилларда — Бангладеш Ташқи ишлар вазир-лиги СААРК (Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмаси) бошқармаси директори
1990-1991 йилларда — Бангладеш Ташқи ишлар вазир-лиги халқаро ташкилотлар бошқармаси директори
1991-1993 йилларда — Бангладешнинг Жийдадаги (Саудия Арабистони) бош консули
1993-1996 йилларда — Бангладешнинг Лос-Анжелесда-ги (АҚШ) бош консули
1996 йилда Шаржил Ҳасан Бангладеш Халқ Республикаси Президентини томонидан Бангладешнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлан-ган.



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати


ИШОНЧ ЁРЛИгини ТОПШИРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

АРГЕНТИНА RESPUBLIKASINING ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDAГИ ФАВҚУЛОДАДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ АРНОЛЬДО МАНУЭЛЬ ЛИСТРЕ

1938 йилда туғилган. 1962 йилда Буэнос-Айрес университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Бир қанча илмий рисолавлар муаллифи. Инглиз ва француз тилларини билади. Уйланган. Уч фар-занди бор.
1964-1965 йилларда — Аргентина Ташқи ишлар вазирлиги ходими
1965-1966 йилларда — Аргентина Ташқи ишлар вазирлиги котибияти бош-лиги
1966 йилда — Аргентинанинг Парагвайдаги мухтор вазир
1966-1974 йилларда — диплома-тик хизматдан вақтинча истеъфода чиққан
1974-1975 йилларда — Аргентина Ташқи ишлар вазирлиги ҳуқуқий бошқармаси бошлиги
1975-1979 йилларда — Аргенти-нанинг Америка Давлатлари Ташқи-лотидagi мухтор вақили ўринбосари
1979-1981 йилларда — Аргентинанинг Коста-Рикадаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси
1981-1982 йилларда — Аргентина Ташқи ишлар вазирлиги аппарати раҳбари
1982-1983 йилларда — Аргентинанинг БМТдаги доимий вакилони-нг ўринбосари
1983-1984 йилларда — Аргентина Ташқи ишлар вазирлиги ташқи иқтисодий алоқавар департаменти ходими
1985-1987 йилларда — Аргентинанинг Нигерия Республикасидаги, Уриндошлик йўли билан Чад, Гана, Того ва Берингдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси
1987-1989 йилларда — Аргентинанинг Венгриядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси
1989 йилда — Рио Де Ла Плата (Аргентина) бўйича маълумий комиссиядаги Аргентина делегацияси раҳбари
1989-1991 йилларда — Аргентина Ташқи ишлар вазирлигида кадр-лар бўйича директор
1991-1994 йилларда — Аргентинанинг Нью-Йоркдаги (АҚШ) бош консули
1994 йилда — Аргентина Республикасининг Россия Федерацияси-даги Фавқулодда ва Мухтор элчиси
1996 йилда Арнольдо М. Листре Аргентина Республикаси Прези-денти томонидан Аргентинанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фав-қулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган. Унинг қароргоҳи Моск-вада жойлашган.



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати

— Қадимий юнон соҳнаомаларида Искандар Зулқарнайнинг бундан нақ 2377 йил муқаддам 23 ёшида Шахрисабзга Буюр орқали ўтиб келгани қайд этилган. — дейди Лутфулла ака. — Уша пайтда Искандарнинг тарихчилари икки томони куврек тоғлар билан ўралган, чор тарафи дарёлардан иборат, кўм-кўк шимликларга бурканган шаҳарга келадилар.

Искандар аскарларини шаҳарнинг ниҳоятда бог-роғлар билан ўралганлиги лол қолдиради. Улар қолдирган қайдиномларда Шахрисабз — Чини шаҳри сифатида ифодаланади. Демак, Шахрисабзнинг қадимий номи Чини бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо шарқ тарихчилари Шахрисабз қадимдан «Кеш» деб аталганлигини битиб қолдирганлар. «Кеш» атамасининг маъносини Амир Темур даври тарихчиларидан Шарафуддин Али Язйи, Абдураззоқ Самарқандийлар «қалбларини яйратувчи, дилкаш» маъноларини ифодалашини таъриф берадилар. XV аснинг иккинчи ярмидан кейин яратилган тарихий манбаларда Кеш шаҳрининг Шахрисабз атамаси тез-тез учрайди. Шахрисабз атамасига улуг бобокалон шoirимиз Алишер Навоий «Сади Искандарий» дostonида таъриф бериб, шундай мисраларни битган:

*Дедлар, кивари
дурур дилкаш,
Оти ҳам Шахрисабз
эрур, ҳам Каш,
Хизир монанд сабадан
ранги,
Сабзаси, суйи кўзуси
занги.*

Алишер Навоий соҳибқирон Амир Темурнинг кенжа ўғли, ўз даврининг хоқони саиди Шохруҳ мiрзо вафотидан сўнги долгали кунлардан

безиб, бiроз муддат Самарқандда турганлиги маълум. Бу тўғрисида ҳазрат шoirимиз ўз кўли билан ёзиб қолдирган. 1465 йили баҳор фаслида Алишер Навоий Шахрисабзга келади. Уша пайтда шoir 24 ёшга кирган бўлишига қарамастан, унинг номи адабий доиралардан чиқиб, омманинг илгор, ўқимшли қисмига танилиб қолган бўлади. Ҳиротдан келётган шoirни шаҳарнинг гарбий қисмидан оқиб ўтаётган Танқас дарёсининг чап қирғоғида жойлашган баланд тепаликда қотиб олишди. Қотиб олишга шаҳар доғруғалари ва қутволи етакчилигида улаомлар, шoirлар чиқишди. Алишер Навоий қотиб олинган тепани аҳоли ҳамон «Навоий тепа» деб аташди.

Алишер Навоий Ҳиротдек Хуросон давлатининг муаззам пойтахтида улғайган бўлишига қарамай, Шахрисабзнинг мўтадил иқлими, қайтарилмас табиатидан ҳайратланиди. Буни унинг юқоридаги сатрларидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Ҳатто шoir ўзининг асарларида Шахрисабзнинг бобокалонлари юрти эканлигига ҳам ишора этади. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий автодларнинг келиб чиқиши Шахрисабздан, дейишимизга асос бўла олади.

Алишер Навоий Шахрисабзга келгач, Шохруҳ Мирзо томонидан бунёд этилган Ҳазрати Шайх мақбарасини, Амир Темурнинг

1996 йил —
Амир Темур
йили

«ОТИ ҲАМ ШАХРИСАБЗ ЭРУР, ҲАМ КАШ»

Узоқ йиллар шаҳар ижрокўмида масъул лавозимда хизмат қилган Лутфулла ака УБАЙДУЛЛАЕВ Шахрисабздаги осори-атиқаларни тиклашда жонбозлик кўрсатган.

падарни бузруквори Мухаммад Тарағай Баҳодир ва соҳибқирон бобомизнинг пири Шамсутдин Кулол Кубора даҳмасини зиёрат қиладилар, Амир Темур автодларни руҳи-покларига фотиҳа ўқийди.

Алишер Навоий Шахрисабзда бир неча муддат тўхтагач, Тахтиқорача домини орқали Самарқандга борди. У Самарқандда машҳур олим ва мударрис Абулаис Фазлulloх мадрасасида таълим олади.

Шахрисабздан кўлаб оламга машҳур улаомлар,

дудла танилгани Амир Темур автодларининг пири муршиди Шамсутдин Кулол Кубора (улуғ) бўлган. У киши дунёвий, ботиний, зоҳирий илмларнинг билимдон бўлганлар. Шамсутдин Кулол Бухородаги машҳур мударрис Бобо Самойи тарбиясида 20 йил бўлади. У Темурнинг қўлига илк бор азон айтган, уни ўқитиб саводини чиқарган, афқо-оқобдан тарбия берган, унинг билим олишига саъй-ҳаракат кўрсатган машҳур шайхлардан бири бўлган. Ҳиндистоннинг Бенгалия вилоятидаги Азимобод шаҳри-

да таваллуд топган Мирзо Абдуллоҳ Бедил, Хисрав Дехлавий, Мирзо Ғолиб, Курбон Хиромий каби машҳур шoirлар шахрисабзлик бўлишган.

Қадимшунлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари шаҳар тарихи учун минг йилда бериб тақалишдан дарак беради. Элитинчи йилларда, олтинчи йилларнинг бошларида дунёга танилган олим, академик Яхё Ғуломов етакчили-

лари юзга чиқиб, шаҳримизнинг бугунги қиёфаси, ажлоларимизнинг ҳаётига оид битиклар топилиб қолса, ажабмас.

Араблар истилоси, мўғуллар босқини даврида Кеш шаҳри халқининг мардонавор кураши, «Оқ кўйлақлар» ҳаракати сифатида машҳур бўлган халқ қаршилиги, унинг етакчиси Муқанна бошлиқ оқ кўйлақларнинг арабларга қарши кураши, мўғул босқинчиларининг «енгилмас кучларининг» Кешда синдирилганлиги тарихий битиклар орқали баъга етиб келган. Ҳалқ қарамонлари Спитамен, Абу Муслим кешлик бўлишган. Шунинг ҳам айтиш лозимки, Мовароуннаҳр ҳали яшилти, йирик давлат сифатида тарқиб топмаган, Бухоро ҳудудида Бухорудотлар ҳукмронлик қилган даврда, Кешда мустақил давлат ташкил топган. Кейинчалик кичик-кичик амирликлар, бекиликлар бирлаштирилиб, йирик ҳукмронлик вужудга келтирилгач, Кеш гоҳ Самарқандга, гоҳ Бухорога вассал сифатида бўйсунган.

Шахрисабзнинг тараққий топиши, юкчаллиси асосан, ҳамюртимиз Амир Темурнинг фаолияти билан боғлиқ. Қадимги манбаларда Амир Темур даврида шаҳар атрофи кўрғон билан ўралганлиги маълум эмас. Ҳар ҳолда кўрғон бўлса-да, истилочилар томонидан бузиб, текислаб юборилган бўлиши ҳам мумкин. Таркибида Ис-

пания қиролининг элчиси Рио Гонзалес де Клавихо бўлган қарвон Самарқандга ўтатириб, 1404 йили Кешда тўхтади. Испания қиролининг элчиси ёзиб қолдиришича, деярли барча томони кўлаб бог-роғлар билан ўралган шаҳар қалъаси рўпарасидан чиқиб қолишди. Қалъа баланд пахса девордан кўтарилган бўлиб, атрофи сунъий чуқурида иборат бўлган. Шаҳарга кириш учун ерости кўприкларидан фойдаланилган. Демак, Рио Гонзалес де Клавихо Кешга келган 1404 йили шаҳар қалъа билан тўлиқ ўраб олинган. Қалъа қурилиши Амир Темурнинг фармонида кўра 1378 йилда бошлаб юборилди.

Кеш мамлакатнинг маданий маркази сифатида эъозланган. Чет эллардан келадиган энг азиз меҳмонлар — ҳукмдорлар, дин пешволари, илм аҳули, элчилик Кешда қотиб олинган. Амир Темур мана шу масканда уларни қабул қилган.

Сабза, яшил шаҳарнинг таърифи бу билан тугамайди. Шахрисабз тарихи йирик асарларда ўз аксини топиши, дунё маданиятида тутган ўрнига оқилона, ҳолисона баҳо берилиши лозим.

Буюк бобомизнинг 660 йиллик юбилейи оқибдан шаҳарда катта ҳажмдаги тиклаш, таъмирлаш ишлари олиб борилаётир.

Соҳибқирон Амир Темур шавкатининг шуъалари ўзи қурдирган олимақом иморатлар узра таралгандай бўлаётир, боболаримиз руҳи-покларига гўё ҳайкал кўйилмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири
Пўлат ГАДОВЕВ ёзиб олди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МЕҲМОНХОНА
ҲОИДАСИГА

Челябинскда дайди ишлар учун меҳмонхона қурилади.

«Актис» фирмаси (ҳодимларининг барчаси ашаддий ишқибозлари) йўқолган ҳайвонлар матлум муддат яхши яшасин деб, дурустигина шaroит яратишди. «Мижоз»лари эгаларидан каттароқ суюнчи олиш ҳақидаги ширин орзуларни ҳомга ўхшаб қолди. Чунки ҳозиргача биронта итининг эгасини топишолмапти. Дарганин эшитганлари ҳам ўз «мол»дан меҳмонхона фойдасига воз кечаяпти.

БЕЗОРИ КАМПИР ЭКАН

Елгон хабар айтган кампир ушлади.

Ижевсклик шўх кампир «Аврора» кинотеатри биносига портловчи молда кўйилгани ҳақида «02»га кўнғирқоқ қилиб милицияни алдаган эди-да. Молда суз ҳазилкаш кампирга шабабат қилмайдиган бўлса, у катта микдорда жарима тўлайди.

РЕД РАМГА — ГУЛДАСТА

Буюк Британияда уч қарра миллий биринчилик галби Ред Рам лақабли отнинг 30 йиллик юбилейи нишонланди.

Мамлакатнинг турли бурчақларида юбиляр номига 300 дан зиёд табриқнома-лар келди. Ҳатто бир мухлис Ред Рамга гулдаста юрди. Кўпчилик ишқибозлар эса отнинг ҳозирги аҳволдан хабар олиш ниятида от-нонага келишди. Лекин улар отга хайрия қилишни ҳам унутишмади.

ЎЗИНГДАН КЎР

Пермь вилоятининг Пениторон қишлоғида истикомат қилувчи Носковлар хонадонига қаламушлар ҳужум қилди.

Аваллига кемирувчилар ёшига етаётган чақалоқ ва унинг икки ёши опасини, эртасига учинчи болани, тиллаб ташлашди. Жабранган уч боланин ота-онаси зудлик билан туман марказидан ўзларига ажратилган шинам, барча қўлайлик-лари бўлган квартирага кўчиб ўтишди. Қўншлирининг айтишига қараганда, бу ерда ҳам уларни қаламушлар тинч қўйишмас керак. Бойси, улар тозалликка эмас, спиртли ичимликларга ру-жу қўйишган экан.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Абдусамат Полвонозодга онаси БАШОРАТ аниқ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдирлик билдиради.

«Дори-дармон» ишлаб чиқариш Давлат акционерлик уюшмаси жамоаси уюшманин мўъмурий-ҳўжалик ишлари мудир Эркин Тошевга онаси НОРБУ ани ИСКАНДАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Юкори Чирчак тумани молия бўлими жамоаси бўлининин бош назорат-тафтишчиси, Серкабой Тошевга онаси НОРБУ ани ИСКАНДАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Футбол

ДАСТАБКИ БОСҚИЧ ВА «СЕНСАЦИЯ»

Бу йилги футбол мавсуми ҳар йилгига нисбатан кеч бошланди. Шунинг учун бўлса керак футболни соғиниб қолган мухлислар Ўзбекистон кубоғи учун дастлабки босқич муносабақаларини катта қизиқиш билан кузатишди.

Кейин бир мамлакатда бўлмасин билдур соврин учун бахслар ошадта қизиқарли курашларга, қўтилмаган натижаларга бой бўлади. Бундан мустақил Ўзбекистон кубоғи учун бешинчи марта ўтказилаётган бахсларнинг биринчи босқичи ҳам жўли бўлмади. Олий лига вакиллари бўлган еттига жамонинг дастлабки босқичда курашдан чиқишга мажбур бўлганлиги, улар ўз ўрнини биринчи лига-чиқарга бўшатиб беришганини ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Мухлислар 1-гурӯх бахсларида Фарғонанин «Нефтчи» жамоаси гўлиб чиқишга шўба қилишмаган эди. Шундай ҳам бўлиб чиқди. Фарғонанин тўрт урашувнинг барчасида галаба қозонишди. Ушбу гурӯхда иккинчи ўринни кўлга киритган биринчи лиганин янги вакили «Тўқмачи» жамоасининг натижалари билдур соврин учун бахсларининг ўзига ҳос «сенсацияси» бўлиди, дейиш мумкин. «Тўқмачи» фақат «Нефтчи» билан бўлиб сўнги урашувда мағлубиятга учраб (0:1), қолган урашувларининг барчасида галаба қозониди.

2-гурӯх бахсларида эса марказий ҳарбийчилар барча рақибларини мағлуб этди. Сўнги турда МХСК шу пайтгача гурӯхда иккинчи ўринни эгаллаб турган «Роҳат» клубининг 2:1 ҳисобида устун келди. «Роҳат»нинг мағлубиятининг Тошкентнинг «Истиқлол» клуби улуғли фойдаланиди, дейиш мумкин. Тошкентликлар сўнги турда олий лига вакили «Динамо» (Урғуч) клубини мағлубиятга учратиб (3:1) иккинчи ўринга кўтаришди ва кубок учун бахсларини давом эттириш ҳўқуқига эга бўлиди.

Учинчи гурӯхда Шаҳрихоннинг «Шаҳрихон» клуби олий лига вакили «Атлантик»ни ортда қолдиришга муваффақ бўлиди ва Наманганнинг «Навбахор» клуби билан бирга кейинги босқичга йўлланма олди.



Энг «пич» бахслар 4-гурӯхда борди. Бу гурӯхда аввалдан қўтилангдек, Тошкентнинг икки жамоаси — «Пахтакор» ва «Трактор» гўлиб чиқди. Ушбу жамоалар ўрасидаги ўзаро урашувда пахтакорчилар галаба (2:1) қозонишди. Ҳал қилувчи тўпни Николай Ширшов урашувнинг сўнги дақиқасида ларвозига киритди.

Энг кескин бахслар 5-гурӯх жамоалари ўрасида борди. Қизғини шунақки, биринчи лига вакили Зарафшоннинг «Прогресс» клуби олий лига вакиллари «Нурафшон»ни ҳам, АСКни ҳам ортда қолдириб, гурӯх гўлиб бўлиди. Зарафшонликлар «Нурафшон»ни 2:1, АСК жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Иккинчи йўлланма учун ҳал қилувчи бахслар АСК жамоаси «Нурафшон»га юқуриб (1:3) қўлиди.

Олтинчи гурӯхда «Динамо» (С), еттинчи гурӯхда «Сўлдиёна», саккизинчи гурӯхда «Янгийер» клуб бахсларининг қизиқига мажбур бўлишди. Ўз илбатидан улр ўринини биринчи лига вакиллари «Чилонзор», «Динамо» — «Насаф», «Гулстун» жамоалари эгаллашди. Бу гурӯхлардан «Дустлик» (собиқ «Политтехник»), «Машал» ва «Наврў» клублари биринчи ўринини эгаллашди.

Кеча иккинчи босқичнинг дастлабки урашувлари ўтказилди. Унда қўнлиги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Истиқлол» — 9:0, «Прогресс» — «Чилонзор» 1:1, «Пахтакор» — «Гулстун» — 1:0, «Наврў» — «Нурафшон» — 0:0, МХСК — «Навбахор» — 2:0, «Динамо-Насаф» — «Тўқмачи» — 3:1, «Дустлик» — «Шаҳрихон» — 2:0, «Машал» — «Трактор» — 0:0.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи»нинг спорт шарҳловчиси.

ДИҚҚАТ!
ЯРМАРКА САВДОЛАРИ!
15-17 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ - ХОМАШЕ БИРЖАСИ: "ЎЗКИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШХОЛДИНГ", "ЎЗМАШСАНОАТ" ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ "ЎЗКИШЛОҚХЎЖАЛИКТАБИНОТУЗАТИШ" РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАНИ БИЗНЕС - ЖАМГАРМА ва "МАДАД" СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ билан ҳамкорликда фермер ва деҳқон хўжаликлари учун зарур бўлган техника, асбоб - ускуна ва кичик ҳажмдаги цехлар савдоси бўйича ихтисослашган ярмарка савдоларини ўтказлади.

Мазкур ярмарка савдоларида СИЗ юкори сифатли қишлоқ хўжалик техникасини шартнома асосида харид қилиб олишингиз учун барча имкониятлар мавжуд бўлади.

Ярмаркада тузилган шартномалар асосида имтиёзли кредитлар ажратилиш режасида ишланган.

ЯРМАРКА САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7-уй, "Кўрғазмалар зали"да.
Тел.: (3712) 411-181, 411-821, 413-754.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ
1996 йилда қуйидаги ихтисосликлар бўйича АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси;
- машиналар, асбоблар ва ускуналар динамикаси ва мустаҳкамлиги;
- аши аппаратулари аэродинамикаси ва иссиқлик алмашинуви жарайнари;
- ушчи аппаратулари қурилмалари ва уларни лойиҳалаш;
- ушчи аппаратулари ишлаб чиқариш технологияси;
- қурилиш механикаси (қурувчи ва сиртки бўлимларга).

Ҳужжатлар 1-турга 1 майдан 15 июлгача, 2-турга 1 сентябрдан 1 нояргача қабул қилинади.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
700047, Тошкент, Охунбобоев кўчаси, 12-уй, Аспирантура бўлими.

БЕЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Истиқомидёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тури муҳаррират 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир — Э.Болсев,
Набатчи — А. Абдурахмонов.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Ливар ЖҲУРАБОВЕВ.